

**ФАН
ҲАҚИДА
СҮХБАТ
ЛАР**

У. ҲАЙДАРОВ

**МАРКС
ВА МАТЕМАТИКА**




ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1986

22.1
X 18

17265

10

09



10

Хайдаров У.

X 18 Маркс ва математика.— Т.: Ўзбекистон, 1986.—
16 б.—(Фан ҳақида сұхбатлар).

Рисолада доғиймиз К. Марксинг математикага оид асарлари, құләзмелари ҳақида қисқача хикоя қилинган.

Рисола көнг китабхонлар оммасига мұлжелланған.

Хайдаров У. Маркс и математика.

22.1 + 13.27

№ 555—86

Навоий номли ЎзССР
Давлат күтубхонасы.

X 1702010000—170
M 351 | 04 | 86 86

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1986 й.

Инсоният тарихининг тараққиёт қонунини кашф этиб, илмий коммунизм ва сиёсий иқтисод назариясига асос солган мутафаккир Карл Марксдир.

Дарҳақиқат, К. Маркс яқин дўсти Ф. Энгельс билан ҳамкорликда «марксизмнинг уч таркибий қисми» ҳисобланган — философия (диалектик ва тарихий материализм), илмий коммунизм ва янги сиёсий иқтисодни яратдилар. Диалектик ва тарихий материализмнинг яратилиши табиат ва жамият ҳодисаларини тушунтиришда, фанлар методологиясини ишлаб чиқиша, тафаккурнинг ҳаракатланиш ва ривожланиш қонунларини кўрсатишда; дунёни революцион йўл билан ўзgartариши, буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишига қарши курашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

К. Маркс ва Ф. Энгельсни ҳақли-равишида илмий коммунизм асосчилари деймиз. К. Маркс капитализм жамиятининг ишлаб чиқариш муносабатларини тадрижий ҳолда ўрганиб, унинг келиб чиқиши, ривожланиши ва муқаррар ҳалокатини исботлаб берди. Капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг таназзули буржуа жамиятининг социалистик жамият билан эртами-кечми албатта алмашинишими кўрсатди. Бўлажак социалистик жамият ҳақида foят илмий, назарий жиҳатдан пухта таълимот яратди. Бу ҳақда Маркснинг ўзи шундай деган эди: «Философлар дунёни турлича изоҳлаб келдилар, холос, лекин гап — уни ўзgartаришладидир». Тарихни ана шу янги асосда тушуниш социалистик дунёқараш учун foят муҳим эди.

К. Маркснинг фан соҳасидаги муҳим кашфиётларидан яна бири капитал билан меҳнат ўртасидаги муносабатни янгича изоҳлаб, сиёсий иқтисод илмий назариясиги ишлаб чиққанилиги эди. Ушбу назария ва ўзи кашф

этган қўшимча қиймат қонуни орқали буржуа жамиятининг моҳиятини тўла-тўкис очиб берди. У илмий сиёсий иқтисод таълимоти орқали капитализмнинг тарихан ўткинчи характерини исбот қилиб, социализмга ўтиш зарурлигини асослаб берди. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган қудратли шиорни ўртага ташлади. Омманинг шу шиор асосида бирлашиши зарурлигини асослаб берди. У ишчилар синфиининг бирдамлик ва халқаро ташкилоти — I Интернационалнинг (28 сентябрь 1864 йил) вужудга келиши ва ривожида асосий роль ўйнади. Халқаро ишчилар жамиятининг асосий вазифалари ва функциясини баён этиб берди. Маркс ўз фаолияти билан ишчилар ҳаракатига раҳбарлик қилди. Бир сўз билан айтганда, марксизм-ленинизм классикларининг илмий мероси жуда бой. Уни чуқур ўрганиш, амалий фаолиятда ижодий қўллаш ҳар бир совет кишисининг муқаддас вазифаси хисобланади.

Табииёт илми масалалари ҳам К. Маркс назаридан четда қолмади. У «ўзи текширган ҳар бир соҳада — ҳатто математика соҳасида ҳам,— мустақил кашфиётлар қилди, бундай соҳалар эса оз эмас эди ва бу соҳаларнинг биронтасида ҳам юзаки иш қилганий йўқ»¹ деб таъкидлаганди Ф. Энгельс К. Маркс ҳақида.

Дарҳақиқат Маркс бутун умри давомида табиат фанларининг воқеаликни ўрганишдаги аҳамиятини бир неча бор таъкидлади. «Капитал» асари устида ишлар экан, табиатшунослик «ҳар қандай билимнинг асосини ташкил этади», деб алоҳида уқтирган эди. Маркснинг ушбу фикри фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучларга айланиб бораётган бугунги кунда янада баралла янгра-моқда.

К. Маркс ва Ф. Энгельсга қадар табиатга натурфилософик қарашиб мавжуд эди. Бу таълимот «табиатнинг вакт ичидаги ҳеч қандай тараққиётини, «бир нарсанинг иккинчи нарса орқасидан» келишини тан олмас эди,— у фақат «бир нарсанинг иккинчи нарса билан бирга» мавжуд бўлишини тан олар эди, холос»². Натурфилософлар табиатдаги предмет ва ҳодисалар ўртасидаги

¹ Маркс ва Энгельс ҳақида хотиралар. Т., Ҳазавнашр, 1957 й. 402-бет.

² Ф. Энгельс. Анти Дюринг. Т., «Ўзбекистон», 1979, 8-бет.

Хақиқий реал боғланишларни очиш ўрнига идеал, хаёлий боғланишларни кўрсатиб берар ва ўз таълимотларини фактлар билан асослаб бериша олмагач, уйдирмаларни қалаштириб қўяқоларди. Натурфилософияда неочлик «доҳиёна фикрлар» ва самарали куртаклар» бўлишига қарамасдан табииёт илмининг XVII—XIX асрдаги кашфиётлари унинг даъволари асоссиз эканлигини кўрсатди. Унинг даъволаридан бири эса дунёни «яхлитлигича» ўрганиш эди. Лекин табиатшуносликкунинг ўша пайтдаги тараққиёт даражаси бунга имкон бермади. Натурфилософияда XVIII асрга келиб кўпгина фанлар, хусусан, математика, физика, химия, биология мустақил ажralиб чиқди ва ривожлана бошлади.

XIX асрга келиб фанларниң гуркираб ривожланиши ва айниқса табиат илмидаги «уч буюк кашфиёт» туфайли оламга меҳанистик, метафизик қарашга зарба берилди. Ҳужайра назарияси, энергиянинг сақланиш на бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиш қонуни, Дарванинг турларининг пайдо бўлиш назарияси (дарвинизм) ана шундай кашфиётлар қаторига киради. Ушбу буюк кашфиётларнинг аҳамияти шундаки, аввало табиат ҳодисалари орасидаги чуқур боғланиш ва изчиллик аниқланди, табиатнинг умумий манзараси кўрсатиб берилди — табиатнинг бир бутун эканлиги, унда ҳаракат қилувчи материядан бошқа ҳеч нарса йўқлиги исботланди. Материянинг турли хоссалари орасидаги боғланиш топилди. Органик табиат билан анерганик табиат алоқадорлиги кўрсатилди. Организмларнинг ҳаммаси, шу жумладан одам ҳам узоқ давом этган эволюцион тараққиёт натижасида вужудга келганлиги тўла-тўқис исботлаб берилди.

Шунингдек марксизм асосчилари спектрал анализ, Д. И. Менделеевнинг элементлар даврий қонуни, А. М. Бутлеровнинг органик бирикмаларнинг химиявий тузилиш назарияси, термодинамикадаги кашфиётлар, Д. К. Максвеллинг электромагнит майдони назарияси каби фан ютуқларини диалектик-материалистик нуқтаи назардан умумлаштириб бердилар.

Биологияда эволюция назарияси чуқур ишлана бошланди. 1863 йилда И. М. Сеченовнинг бош мия рефлекслари тўғрисидаги машҳур китоби эълон қилинди. Бу китоб илмий физиология ва психологиянинг материа-

листик негизларига асос солди ва «физиологик» идеализм ҳамда агностицизмни төр-мор көлтиришга ёрдам берди. Ақа-ука Ковалевскийлар биологиянинг кейинги ривожиға муҳим ҳисса қўшдилар. А. О. Ковалевский ҳайвонлар эволюциясининг барча типлари бир эканлигини илмий исботлаб берди. О. О. Ковалевский эса палеонтологнида эволюцион ғояларни ривожлантириди. Машҳур рус олими П. Л. Чебишевнинг «математик» идеализмга қарши чиқиб, материалистик позицияларни ҳимоя қилиши математиканинг янги истиқболини очиб берди.

Табиий фанлар соҳасидаги бу ўтуқлар уларнинг бутун тараққиётини материалистик диалектикасиз тушуниш ва англаб олиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Табиатшунослик учун тафаккурнинг энг муҳим формаси материалистик диалектика бўлиб қолди, чунки «фақат диалектика табиатда юз берадиган тараққиёт процесслари учун, табиатнинг умумий алоқадорликлари учун, бир тадқиқот соҳасидан иккинчи тадқиқот соҳасига ўтиш учун аналог... шу билан бирга изоҳлаш методи»¹ эканлиги илмий асосслаб берилиди. XIX асрдаги буюк кашфиётларнинг философик аҳамиятни табиатшунослик тараққиётининг диалектик характерини foят тўла музассамлашган шаклда очиб берганлиги билан ҳам характерланади. К. Маркс ва Ф. Энгельс фикрича, диалектика қандайдир оддий исботлаш усули бўлмай, аввало янги натижалар излашдан, маълумдан номаълумга ўтишдан иборат бўлган, формал логикага нисбатан юксак маънога эга бўлган тадқиқот методидир. Шунингдек Маркс ва Энгельс ўз асрларида табиатшунослар улар учун тафаккур ҳақидаги илмий таълимит зарур бўлганлигидан философия билан шуғуллакишга мажбур эканлигини алоҳида қайд қилган эдилар. «Табиатшунослар философияни инкор этиб ёки сўниб ундан халос бўламиз деб ўйладилар. Бироқ улар тафаккурсиз бир қадам ҳам олға силжий олмайдилар, тафаккур учун эса мантиқий категориялар керак. Ана шулар сабабли ва ана шулар натижасида табиатшунослар ҳар ҳолда философияга... тобе бўлиб қоладилар»².

¹Ф. Энгельс Анти-Дюiring. Т., «Ўзбекистон», 1979, 423-бет.

² Ф. Энгельс Табиат диалектикаси. Т., «Ўзбекистон» 1983, 279-бет.

Шундай қилиб, К. Маркс ва Ф. Энгельс үз илмий қарашлари билан табиатшуносликнинг фалсафий масалаларини анализ қилишда материалистик ёндашишга асос солди. Бу қарашлар бизни табиатшунослик ривожидаги принципиал югуқларни ажратиб олишга ҳамда диалектиканы ишлаб чиқиш асосида анализ қилишга ўргатади.

Улар тараққиёт ҳақидаги илмий таълимот — диалектиканы ҳар томонлама ишлаб чиқдилар. «...Табиатни диалектик асосда ва шу билан бирга материалистик асосда тушуниш учун,— деб ёзганди Ф. Энгельс,— математика ва табииёт билан таниш бўлмоқ зарур. Маркс математикани жуда яхши билар эди...».¹

Маълумки, математика бошқа фанлардан объектив реал дунёнинг фазо шакллари, миқдор муносабатларини ўзига хос ўрганиши билан фарқланади. Маркснинг математикага қизиқиши олий математикадан бошланди, чунки у олий математикада энг мантиқий ва айни замонда энг оддий формадаги диалектик ҳарикат бор, деб биларди. К. Маркс «Капитал» асари устида ишлаётгандага бунга жуда эҳтиёж сезди. У Ф. Энгельсга хатида сиёсий иқтисод асосларини ишлаб чиқиш пайтида ҳисоблашлардаги янгилишилар инҳоятда қийнаётганлиги, шу боисдан алгебрани тезада ўрганиб чиқишига қатъий киришганлигини ёзган эди.²

Маркснинг математика билан мустақил машғулотларининг дастлабки намуналари унинг сиёсий иқтисодга оид қўллэзма дафтарларида учрайди. Баъзи фан тарихчилари К. Маркс сиёсий иқтисодга доир асарларини, «Капитал»ни ёзишда математик маълумотлардан фойдаланишга мажбур бўлди, натижада у математикага доир асарлар ҳам ёзди деб кўрсатишади. Бу гапда жон бор. Бироқ биз агар К. Маркс математикани фақат шу сабабдангина ўрганди, деб хулоса чиқарсан бу масаланинг моҳиятига бир ёқлама қараш бўларди.

Бизнингча, ўша давёда сиёсий иқтисодга оид материалларни математикага оид маҳсус билимларсиз ҳам баён этиш мумкин эди. Иккинчидан, Маркс ўз «Капитал»ида фақат элементлар математикани қўллаганлиги

¹ Ф. Энгельс Анти-Дюриег. 7-бет.

² Қаранг: Маркс К. Энгельс Ф. Соч. Т. 28, стр. 210.

маълум. Учинчидан у асарларини математиканинг абстракт формуулалари билан тўлдириб юбориши ҳам мақсадга мувофиқ эмасди. К. Маркс ўз олдига қўйган асосий вазифа — капиталистик моддий ишлаб чиқариш моҳиятини очиб бериш, пролетариатни илмий назария билан қуроллантириш эди. «Капитал» ўз даврида ёзилган ҳар қанақангги илмий монографиядан ҳар жиҳатдан устун асар эди. Айни пайтда у ишчилар синфи учун мўлжалланган асар эди. Шу сабабли К. Маркс ғоят зарур ҳоллардагина математика тилидан фойдаланган, шунда ҳам элементар математиканинг энг бошланғич бўлимлари билангира чекланган, улар ҳам оммабоп тарзда баён қилинган.

Бизнингча, К. Маркс математика билан мустақил шуғулланганлигининг асосий сабаблардан бири Маркснинг математикага бўлган қизиқишидир. Поль Лафаргнинг сўзига қараганда, Маркс миясига дам бериш, айни вақтда билим донрасини кенгайтириш учун бадиий асарлар ўқир, математика билан шуғулланарди. Алгебра ҳатто унинг маънавий юпанчиғи эди.

К. Маркс дастлаб олий математиканинг ўзгарувчан миқдорлар соҳаси — дифференциал ва интеграл ҳисоб билан 1860 йиллардан бошлаб таниша бошлайди. Утган асрнинг 70-йилларидан эса бу иш билан системали шуғулланади. Бу ҳақда Ф. Энгельс «Капитал»нинг 2-нашрига ёзган сўз бошида 1870 йилдан сўнг Маркснинг соғлиғи ёмонлашганлигини, бу пайтда у одати бўйича бўш вақтини илм ўрганиш билан ўтказганлигини; агрономия, Америка ва айниқса Россияда аграр муносабатлар, нул бозори ва банклар масалалари, ниҳоят табиий фанлар: геология ва физиология ва айниқса математикага онд мустақил ишлар билан машғул бўлганлигини айтади.

Маркс яшаган давр ҳозирги замон математикасига асос солина бошланган пайт эди. Турли тарихий сабабларга кўра Маркс математикада вужудга кела бошланган янги ғоялардан бехабар ҳолда ўзи дифференциал ҳисобни асослашга киришади. Шу соҳада мустақил тадқиқотлар қиласиди. Унинг бу тадқиқотлари илмий жиҳатдан етарли асосланмаган бўлса-да, математикани ривожлантирибгина қолмай, унинг методологик кучини баҳолашга ҳам ёрдам беради.

Маълумки, К. Маркснинг математикага оид қўлёзмалари узоқ вақт ўрганилмади. Улар нашр этилмасдан европанинг турли кутубхоналарида сақланиб келди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти ташаббуси билан математика тарихи ва уннг философик масалалари билан шуғулланувчи комиссия тузилди. Ушбу комиссия қўлёзмаларнинг фотонусхаларини тўплаб ишар қилиш, илмий-тарихий изланишлар олиб боришни ўз зиммасига олди. Шу ҳаракатлар натижаси ўлароқ қўлёзмаларнинг бир қисми «Под знаменем марксизма» журналида (1933 йил 1-сон), ўша йили чиқсан «Марксизм и естествознание» тўпламида эълон қилинди. Кейинчалик эса К. Маркснинг математикага оид қўлёзмалари Қатта Совет Энциклопедиясининг 2 ва 3-нешрида, математика тарихи, математиканинг философик масалаларига доир дарсларда қайд қилинди.

Шунингдек «Тарихий-математик тадқиқотлар» тўпламида, «Вопросы философии» журналида (масалан, ушбу журналиниг 1958 йил, 11-сонида К. Маркснинг «Функция тушунчаси ҳақида қўлёзмаси») босилди.

К. Маркс таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан 1968 йилда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти К. Маркснинг барча математик қўлёзмаларини нашрга тайёрлаб, «Математик қўлёзмалар» номи остида босмадан чиқарди. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисида мустақил текширувлар баёнига ўрин берилган, иккинчиси эса конспект ва математикага оид ишлардан иборат.

Қўйида биз К. Маркс математик қўлёзмаларининг қисқача мазмунини көлтириш билан чекланамиз.

1. «Функциянинг ҳосиласи тушунчаси ҳақида». Қўлёзма 1881 йилда Ф. Энгельс учун ёзишган бўлиб, К. Маркс ёзишга мўлжаллаган дифференциал ҳисобнинг асосий ғоялари, табнати ва тарихини ёритувчи асарларнинг биринчисидир.

Қўлёзмада К. Маркс ҳосила тушунчасини $y=ax$ (хусусан, $a=1$ ҳолда $y=x$), $y=ax^3+bx^2+cx-e$, $y=\sqrt{a^2+x^2}$ каби мисолларда тушунтириб, функция ҳосиласини ҳисоблаш усули, уннг математик нуқтай назардан асосланмаган, чалкаш пунктлари ҳақида тўхталади.

К. Маркс Энгельс диққатини асосан + күришидағи ноанық ифодадан функция ҳосиласининг келиб чиқишини, бу процесста диалектика нұқтаи назаридан ёндашилганда ҳеч бир зўрма-зўракилик (мистификация) йўқлигига тортади.

2. «Дифференциал ҳақида». Бу асар ҳам 1881 йилда ёзилган бўлиб, юқорида эслатилган қўлләзмаларнинг иккинчисидир.

Мақолада К. Маркс математик қоидаларни ва уларга мос дифференциал формулаларни тушунтиради:

$$\frac{d(Uv)}{dx} = \frac{dU}{dx} v + U \frac{dv}{dx}; \quad \frac{df[U(x)]}{dx} = \frac{df(U)}{dU} u = u(x) \cdot \frac{du(x)}{dx}$$

Бу формулаларнинг чиқишида конкрет функцияларни дифференциаллашдагига нисбатан ҳам кўпроқ гайри қонунийликлар мавжуд эди.

К. Маркс бу гайри қонунийликнинг манбай дифференциал ҳисобга бўлган сколастик қараашлар эканлигини очиб берди. Дифференциал билан ҳосила тушунчалари орасидаги фарқ ва умумийликларни мисоллар орқали кўрсатиб берди.

3. Китобдаги учинчи йирик асар «Дифференциал ҳақида» қўлләзмасининг хомаки варианти ва унга ёзилган қўшимчалардан ташкил топган.

Бу мақолада ҳосилага нисбатан дифференциаллашга кўпроқ ўрин берилган. Янги мисоллар келтирилган. Қўшимчаларда бўлинманинг ҳосила ва дифференциалининг формулалари алгебранк усул билан чиқарилган.

4. Тўплайған материаллар ичидаги математика тарихига оидлари алоҳида қимматга эга. Қўлләзмалардан К. Маркс классикларнинг (И. Ньютон, Г. Лейбниц, Ж. Тейлор, К. Маклорен, Ж. Даламбер, Л. Эйлер, П. Лагранж) дифференциал ҳисобга оид кўплаб оригинал асарларини ўқиб чиққанлиги кўринади. У айниқса дифференциал ва интеграл ҳисоб асосчилари И. Ньютон ва Г. Лейбниц асарларини қунт билан ўргангандиги сезилади.

«Ривожланишнинг тарихий одими» қўлләзмасида К. Маркс дифференциал ҳисобнинг ривожланиш тарихини уч босқичга, яъни мистик дифференциал ҳисоб; рационал дифференциал ҳисоб; алгебраик дифференциал ҳисобга бўлади.

К. Маркс илмий мөрсидаги энг муҳим холосалардан бирі, унда дифференциал ҳисобни асослашта уринган математиклар (Даламбер, Лагранж ва умуман Кошигача) – ифодапи четлаб ўтишга интилишганилиги, энг түғри йўл эса бу ифодани четлаб ўтиш эмас, унинг мөхиятнин очиб беріб, мистификацияларни чиқариб ташлаб, соғ математик йўл билан ҳосила тушунчасига келиш зарурлиги кўрсатиб берилганинига дадир.

К. Маркс материалистик диалектика қонунлари асосида дифференциал ҳисобни тўла ва тўғри асослаш мумкинлигини кўрсатади. К. Маркснинг бу холосаси Б. Больцано, О. Коши, К. Вейсрштрасс ишларида тасдиқланади. Маълумки, улар — $\frac{\Delta y}{\Delta x}$ ифодада Δx ни полга интилтириб, ҳосила тушунчасини аниқлашган.

5. «Тейлор теоремаси, Маклорен теоремаси ва Лагранж ҳосилавий функциялар назарияси». К. Маркс бу қўлёзмасида Тейлор ва Маклорен теоремаларининг дифференциал ҳисобда тутган ўрши, Лаграшжининг бу теоремалардан келиб чиқиб дифференциал ҳисобни асослашта уринишлари таҳлил қилинган.

6. «Лимит» ва «Лимит қиймати» терминларининг бир маънобли эмаслиги ҳақида». К. Маркс математиклар лимит ва лимит қийматларини аниқ маънода қўлламасликларини таъкидлайди.

7. «Даламбер методини алгебраик метод билан чоғишириш», «Даламбер методининг янги бир мисолда анализи». Бу қўлёзмаларда Даламбер методи чуқурроқ таҳлил қилинган.

Юқоридагилардан ташқари К. Маркснинг конспектларида ҳам математика ва унинг тарихига оид кўплаб қимматли фикрлар мавжуд. Унинг математик қўлёзмалари диалектик материализмнинг математика татбиқига классик намунаидир. Бу қўлёзмалар билан танишиб чиқиш ҳар бир математик, мутахассис учун ғоят фойдаланади.

Бир сўз билан айтганда, К. Маркс ҳақиқатан математикада диалектика гояларининг мавжудлигини исботлашга катта эътибор берган.

Хозирги замон математикаси ривожи ҳақида сўз борганди иккى ҳолатни назарда тутиш керак. Биринчидан, математика ўз «ички» имконийтларини ишга солган

Холда ривожланмоқда: мавжуд математик аппаратлар, усуллар, методлар такомиллаштирилмоқда. Иккинчидан, бу ривожланиш «ташқи маиба» таъсирида рўй бермоқда: асосан практика, ишлаб чиқаришнинг талаби, мавжуд воқеа, ҳодисаларни чуқурроқ тадқиқ этиш, фактларни умумлаштириш, анализ қилиш натижасида ўсиб бормоқда.

Ҳозирги замон фанларида математик методларнинг кенг қўлланаётганлости қўйидагича изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, фанларнинг ўзи кенг кўламда ривожланаётганлиги, уларда материя ички спрлари ва боғланишлари кенг очилиб, тирик мавжудот билан атроф муҳит алоқадорлиги атрофлича ўрганилаётганлигини кўрсатиш мумкин. Юзаки қарагандек оддий бўлиб кўринган табиият ҳодисаларини математика ва унинг тадқиқот методларисиз ўрганиш мумкиндеқ туюлади. Лекин аслида излашаётган объект ҳамда мавжуд жараёнларнинг ғоят мураккаблиги ва уларни аниқ ифодалаш зарурияти математика ва унинг методларнини кенг қўллашни тақозо этади.

Иккинчидан, кейишги йилларда ишлаб чиқариш жараёнининг тобора мураккаблашаётганлиги социал характердаги масалаларни математик усул билан счиш заруриятини туғдирмоқда. Халқ хўжалигидаги мавжуд бошқариладиган табиий ва сунъий системалар бунга мисолдир. Бундай системаларнинг аниқ ва пухта ишланишилаб чиқариш учумига таъсир этмасдан қолмайди. Ана шундай жараёнларни бошқариш ҳамда мураккаб ҳисоб-китоб ишларнини бажариш инсон ақл-заковати билан вужудга келгани электрон ҳисоблаш машина (ЭҲМ)-ларсиз асло мумкин эмас.

Учинчидан, табиий ва ижтимоий фанлар ривожи ҳақида катта информациялар тўпланмоқда. Улардан яхшироқ фойдаланиш ва уларни тартибга келтириш учун математик моделлардан ҳамда экспериментлардан кўпроқ фойдаланиш зарурилиги-эътироф этилмоқда.

Тўртинчидан, фанлар, хусусан табииёт илмида математикани ишлатиш шу фанларда ишлатиб келинаётган тушунчаларнинг такомиллашувига олиб келади. Бу нарса билиш назарияси учун катта аҳамиятга эга. Диалектик материализмнинг билиш назариясида баён этил-

ганидек, инсон бир қатор абстракциялар, тушунчалар, қонунлар ёрдамида табиатнинг түғри инъикосини ҳосил қиласди. Акс ҳолда инсон билишида табиатнинг инъикос этиш формаси ҳосил бўлмайди. В. И. Ленин алоҳида уқтирганидек, инсон бутун табиатни мукаммал ҳолда, унинг «бевосита яхлитлиги» ҳолида акс эттириш учун абстракциялар, тушунчалар, қонунлар, дунёнинг илмий маизараси ва ҳоказо ва шу сингариларни ҳосил этиб, бунга агадий яқинлашиб борни мумкин.¹

Математика фанлар ривожида катта роль ўйнаётган бўлса, ўз навбатида табииёт илми математиканинг кўпгина соҳаларни янада шакллантириш ва тараққий эттиришин талаб этмоқда. Уз вақтида Ф. Энгельс «Табиат диалектикаси» ёсари муқаддимасида буни алоҳида таъкидлаганди. «Энг иуҳим математик усуслар: аналитик геометрия — асосан Декарт томонидан, логарифмлар — Непер томонидан, дифференциал ва интеграл ҳисоб — Лейбниц ва эҳтимол, Ньютон томонидан асосан жорий қилинди».² Ҳақиқатда, инсон тафаккурининг буюк ютуғи — дифференциал ва интеграл ҳисоб Й. Ньютон томонидан механика проблемаларига татбиқан яратилганди. Бунга ўхшашиб мисолларини физика, химия, математиканинг ўз тарихидан кўплаб келтириш мумкин. Масалан, физика тараққиётини характерловчи асосий соҳалар: иссиқлик ва молекуляр механика, электромагнит майдон назариясе, нисбийлик назариялари, қант механикаси, элементар зарралар физикаси ва ҳоказоларнинг вужудга келиши ва ривожланишини текшириш математиканинг нақадар эвристик аҳамиятга молик бўлганлигини очиқ-ойдин кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, математиканинг қудратли кучи тайёр тенглама, муносабат, ечимларнинг мавжудлигидадир. Математиканинг «узоқни кўзлаган» тенгламалири фанинг кейинги ривожида катта роль ўйнайди. Айниқса математик логика ва унинг ҳисоблаш принциплари ёрдамида яратилган амаллар инсон тафаккурига аппарат, инструмент сифатида ёрдам бермоқда. XX асрда техниканинг ниҳоятда тез ривожи бир томондан, техник системаларни яратишда ёрдамчи математик

¹ Квранг: В.И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-том, 170-бет.

² Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси. Т., «Ўзбекистон» 1983, 9-бет.

усуллардан фойдаланиш әхтиёжини олға сурган бұлса, иккінчи томондан, математик мұраккаб электрон-хисоблаш машиналар вужудға келишининг реал имкониятini яратди. Ана шу йўсунда инсон ақл-заковатининг буюк ютуғи тарзида кибернетик қурилмалар пайдо бўлди. Ҳақиқатан, Ф. Энгельс сўзи билан айтганда, табиатни диалектик асосда ва шу билан бирга материалистик асосда тушуниш учун математика ва табииёт билан таниш бўлмоқ зарурлиги тобора равшан бўлмоқда, математика ёрдамида ривожланган ва ривожланаётган табиий-илмий назариялар ҳозирги замон фанларининг тараққиётига салмоқли таъсир этмоқда.

Карл Маркс математиканинг фанлар системасида тутган ўринини муносиб қадрлар эди. У фан математикадан фойдаланишга муваффақ бўлган тақдирдагина таомилига эришади, деб ҳисобларди.

Ҳозирги фан-техника революцияси шароитида математиканинг халқ ҳўжалигидаги ахамияти тобора ортиб бормоқда. Партиямиз ҳужжатларида математика назариясини ривожлантириш асосида халқ ҳўжалигига математик методлардан ва электрон-хисоблаш техникасидан тағин ҳам кепг фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва бошқаришин такомиллаштириш учун назарий ва амалий математика ҳамда кибернетика проблемаларини япа ҳам мукаммал ишлаб чиқиш ва, бир сўз билан айтганда, математикадан амалий мақсадларда фойдаланиш самарадорлигини узлуксиз ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Ҳақиқатда математик усуllibардан халқ ҳўжалигига фойдаланиш катта истиқболлар очиб бермоқда. Чунончи, мұраккаб электрон-хисоблаш машиналарининг (ЭХМ) яратилишин халқ ҳўжалигига бошқариш проблемасини ҳал қилишда мұхим босқич бўлди. Кейинги йилларда мамлакатимизда яратилган ўта тез хисобловчи машиналар: ЕС-1061, ЕС-1045, ЕС-65, ЕС-60, «Эльбрус»нинг мавжудлиги халқ ҳўжалигимизнинг бошқариш муаммосини ҳал қилишда олдинга ташланган мұхим қадамдир.

Ҳозирги кунда электрон-хисоблаш машиналар ишлатилмаётган бирор бир соҳани айтиш қийин: Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, у автоматлашган техно-

логик жараёнларни бошқариш ва ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилишда, илмий-техникавий, инженерлик, иқтисодий масалаларни ечишда, маълумотларни ишлаб чиқиши ва тақдим этишда, алоқа техникасида турли қурилишларнинг функционал имкониятларини оширишда, тадқиқот иш жараёнини автоматлаштиришда, медицинада диагностиканиг фоолиятини яхшилашда ва ҳоказо ҳалқ хўжалигининг турли босичларида ишлатилмоқда.¹

Республика «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан ҳалқ хўжалиги турли соҳаларни бошқаришда электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш борасида диққатга сазовор ишлар бажарилди. Кибернетика институтида республика экономикикасининг оптимал функция қилиш системаси (РСОФЭ) доирасида бошқариш ва планлаштиришнинг автоматлаштирилган системаси, биологик ва технологик жараёнларни бошқариш, информацион-ҳисоблаш системалари ва алгоритмлаш соҳаларида муваффақиятли ишлар олиб борилмоқда. Бирлашмада қўлланилаётган илмий-тадқиқот жараёнларини автоматлаштириш туфайли илмий-тадқиқотларнинг самарадорлиги оширилди ва фан ютуқлари билан ишлаб чиқариш орасидаги масофа қисқарди. Бу ишнинг амалга ошиши ва такомиллашиб бориши натижасида ҳалқ хўжалигимиз ўрта ҳисобда 5—6 млн. сўм фойда кўрмоқда. Мутахассисларнинг тахминига кўра бу кўрсаткич 2000 йилга бориб тахминан 20 млн. сўмни ташкил этади.

Шунингдек республика кибернетикларининг иши қишлоқ хўжалигига пахтанинг ҳолати ҳақида турли маълумот олишда, сейсмологияда ер ости силқинишлирини ўрганишда, зилзиланинг даракчиларини аниқлашда, метеорологияда об-ҳавони олдиндан аниқ айтиб беришда ва бошқа муҳим ишларда қўлланилмоқда.

¹ Каранг: «Фан ва турмуш» журнали, 1984, 10-сон, 11-бет.

Уткур Хайдаров

МАРКС И МАТЕМАТИКА

На узбекском языке

Издательство

«Узбекистан»—1988, 700129,
Ташкент, Навои, 30.

Редактор А. Ириебов
Техредактор Л. Хижова
Корректор С. Тоҳирова

ИБ № 4148

Теришга берилди 25.03.88. Босишга ружсат этилди 12.06.88. Р 14624. Формати $84 \times 108\frac{1}{2}$ босма қозига «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Шартли босма листи 0,84. Шартли кр.-отт. 1,05. Нашр листи 0,71. Тиражи 5421. Заказ № 3818. Баҳоси 4 т.

«Узбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Нашр № 43—88.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётиниг Меҳнат
Киасиц Байроғ орденли босмаконаси.
ГСП, Тошкент, Ленин кӯчаси, 41.